O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
NAMANGAN SHAHAR HOKIMINING

Q A R O R I

Namangan shahri, Xurriyat ko'chasi, 66-uy

2022 - yil 14 - dekabr 661-6-91-Q/22 Namangan shahar hokimligi

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги ва “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 965-сон қарорига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сони белгиланган ташкилотлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сони белгиланган ташкилотлар, иловада кўрсатилган иш ўринлари ўрнатилган тартибда захирага қўйилсин.

3. Комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги «Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3182-сон қарорига мувофиқ, жойларда мазкур қарор талаблари бажарилмаганлиги учун шахсан жавоб беришликлари ҳақида огоҳлантирилсин.

4. Ушбу қарор "Наманган садоси" газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда расмий эълон қилинганидан кейин бир кун ичида Наманган шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Наманган шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Исақов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими **Ғ.Джамалов**

Namangan shahar hokimining
2022 yil 14 dekabrdagi
661-6-91-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сони белгиланган ташкилотлар рўйхати

№	Ташкилотлар	Жами ишловчилар сони	Яратилиши лозим бўлган иш ўринлар сони	Шу жумладан													
				Ногиронлар учун (3 фоиз)		Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун		Ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун		Пенсияолди ёшидаги шахслар учун		Сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун		Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун		Ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари, шу жумладан одам савдоси қурбонлари учун	
				сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи
1	Наманган шаҳар 7-ўрта таълим мактаб	249	17,5	7,5	3,0	4,5	1,8	3,0	1,2	1,5	0,6	1,0	0,4	0,0	0,0	0,0	0,0
2	Наманган шаҳар 17-ўрта таълим мактаб	79	5,5	2,5	3,2	1,5	1,9	1,0	1,3	0,0	0,0	0,5	0,6	0,0	0,0	0,0	0,0
3	Наманган шаҳар 4-оила поликлиникаси	178	12,5	5,5	3,1	3,5	2,0	1,5	0,8	0,5	0,3	0,5	0,3	0,5	0,3	0,5	0,3
4	Норин Сирдарё Ирригация тизимлари хавза бошқармаси	79	5,5	2,5	3,2	2,0	2,5	1,0	1,3	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
5	Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази	471	33,0	14,0	3,0	11,0	2,3	5,0	1,1	2,0	0,4	0,5	0,1	0,5	0,1	0,0	0,0
6	Наманган шаҳар 5-ўрта таълим мактаби	86	6,0	3,0	3,5	1,5	1,7	1,0	1,2	0,5	0,6	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
7	Ижтимоий-Иқтисодий педагогика коллежи	43	3,0	1,5	3,5	1,0	2,3	0,5	1,2	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
8	Наманган Вилоят "Сувоқава" ДК	1467	102,5	44,0	3,0	25,0	1,7	16,5	1,1	9,0	0,6	3,0	0,2	3,0	0,2	2,0	0,1
9	Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи	86	6,0	3,0	3,5	1,0	1,2	0,5	0,6	0,5	0,6	0,5	0,6	0,5	0,6	0,0	0,0
10	Наманган вилоят перинатал маркази	1127	79,0	34,0	3,0	18,0	1,6	10,0	0,9	7,0	0,6	5,0	0,4	3,0	0,3	2,0	0,2
11	Наманган шаҳар Маданият бўлими	57	4,0	2,0	3,5	1,0	1,8	0,5	0,9	0,5	0,9	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
12	Якка кураш спорт турларига ИБУСМ	128	9,0	4,0	3,1	2,0	1,6	1,5	1,2	1,0	0,8	0,5	0,4	0,0	0,0	0,0	0,0
13	Наманган шаҳар 10-умумий ўрта таълим мактаби	86	6,0	3,0	3,5	1,5	1,7	1,0	1,2	0,5	0,6	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
14	Намангандонмаҳсулотлари АЖ	345	24,0	10,5	3,0	6,5	1,9	3,0	0,9	1,0	0,3	1,0	0,3	1,0	0,3	1,0	0,3
15	Наманган шаҳар 1-оила поликлиникаси	214	15,0	6,5	3,0	4,5	2,1	2,5	1,2	1,5	0,7	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
16	Наманган шаҳар 40-мактаб интернати	157	11,0	5,0	3,2	3,0	1,9	1,0	0,6	0,5	0,3	0,5	0,3	0,5	0,3	0,5	0,3
17	Вилоят ихтисослашган Болалар стоматология поликлиникаси	100	7,0	3,0	3,0	1,5	1,5	1,0	1,0	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5	0,0	0,0
18	Наманганмаш акционерлик жамияти	256	18,0	8,0	3,1	5,5	2,1	2,0	0,8	1,0	0,4	0,5	0,2	0,5	0,2	0,5	0,2
19	Вилоят эндокринология диспансери	230	16,0	7,0	3,0	4,5	2,0	2,5	1,1	1,0	0,4	0,5	0,2	0,5	0,2	0,0	0,0
20	Вилоят қон қуйиш маркази	79	5,5	2,5	3,2	1,5	1,9	1,0	1,3	0,5	0,6	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Жами		**5517**	**386,0**	**169,0**	3,1	**100,5**	1,8	**56,0**	1,0	**29,0**	0,5	**14,5**	0,3	**10,5**	0,2	**6,5**	0,1